

ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ – ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАН БОШЛАНАДИ.

Hamrabojev Ihomjon Sotvoldiyevich

*Andijon viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi Hayot faoliyati xavfsizligi
o'quv markazi katta o'qituvchisi mr.kholmatov1986@mail.ru Tel: +99897-994-04-43*

Аннотация: *Ушбу мақолада Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги – бу ҳар қандай кўрриниши турмушда ишда ва жамиятдаги фаолиятда қўлланиши мумкин бўлган хавфсизликнинг назарий асосидир. Қай жойда бўлмасин ҳаёт атроф муҳит хавф-хатарга тўла. Уни тўғри баҳолай олмаслик эҳтиёт чоралари тўғри ҳаракат этиш бўйича кўрсатма, ва олган тарбиясига амал қилмаслик жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳозирги вақтда оилада ташқи муҳитда инсон табиий, техник, иқтисодий ва бошқа ҳар хил хавф-хатар дунёсида яшайди ва ишлайди. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги – бу ҳар қандай кўрриниши турмушда ишда ва жамиятдаги фаолиятда қўлланиши мумкин бўлган хавфсизликнинг назарий асосидир.*

Калит сўзлар: *Ҳаёт, фаолият, хавфсизлиги, оилада, бахтсиз, ҳодиса, инсоннинг, фавқулодда, вазиятлардаги, атроф муҳит, хавф-хатарга, жамиятнинг, ота-она, жисмонан бақувват, ахлоқий тарбия, камситмаслик, тарбиясидан бошланади.*

Annotation: *In this article, the safety of life activities is the theoretical basis of security, which can be applied in any aspect of life, work and society. Wherever life is, the environment is full of dangers. Failure to correctly assess it, precautions are an indication of the right course of action, and failure to follow the upbringing received can lead to very bad consequences. Nowadays, a person lives and works in a world of natural, technical, economic and other dangers, both in the family and in the external environment. The safety of life activities is the theoretical basis of security, which can be applied in any aspect of life, work and societ*

Keywords: *Life, activity, safety, family, accident, incident, human, emergency, situations, environment, danger, society, parents, physical strength, moral education, non-discrimination, education.*

Аннотация: *В данной статье безопасность жизнедеятельности представляет собой теоретическую основу безопасности, применимую к любым аспектам жизни, труда и общества. Везде, где протекает жизнь, окружающая среда полна опасностей. Неспособность правильно оценить её, меры предосторожности служат указанием на правильный курс действий, а несоблюдение полученных в ходе воспитания знаний может привести к весьма плачевным последствиям. В настоящее время человек живёт и работает в мире природных, технических, экономических и других опасностей, как в семье, так и во внешней среде. Безопасность жизнедеятельности представляет собой*

теоретическую основу безопасности, применимую к любым аспектам жизни, труда и общества.

Ключевые слова: Жизнь, деятельность, безопасность, семья, несчастный случай, инцидент, человек, чрезвычайная ситуация, ситуации, окружающая среда, опасность, общество, родители, физическая сила, нравственное воспитание, недискриминация, образование.

КИРИШ

Бугунги кунда ҳаёт фаолият хавфсизлиги – бу ҳар қандай шароитдаги инсоннинг тинч ва осойишта фаолиятидир Оилада ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, хавф-хатар, таҳдид, номутаносиблик, дискомфорт, бахтсиз ҳодиса. бу инсоннинг туғилишидан бошлаб умр охиригача дуч келиши мумкин турли хавф хатарларни енгиб ўтишидир. Инсоннинг оилада ишда ва жамоат жойларида фаолият кўрсатади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани ўз таркибига инсон фаолиятининг атроф-муҳит билан алоқаси, меҳнат фаолиятидаги хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлиги тўғри характери унинг оилада олган бошланғич фарзанд тарбиясига боғлиқдир.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги принцип ва усуллар асосида жамиятда оилада ҳаёт фаолиятида содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар, жароҳат олиши ва жабрланиши қурбон бўлиши Фавқулодда вазиятларда келиб чиқадиган зарарларни камайтириш масалаларини кенг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қоидаларига амал қилиши юқоридаги масалаларни ҳал этади.

Мақсади: Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги – бу ҳар қандай кўрриниши турмушда ишда ва жамиятдаги фаолиятда қўлланиши мумкин бўлган хавфсизликнинг назарий асосидир.

Кай жойда бўлмасин ҳаёт атроф муҳит хавф-хатарга тўла. Уни тўғри баҳолай олмаслик эҳтиёт чоралари.тўғри ҳаракат этиш бўйича кўрсатма, ва олган тарбиясига амал қилмаслик жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳозирги вақтда оилада ташқи муҳитда инсон табиий, техник, иқтисодий ва бошқа ҳар хил хавф-хатар дунёсида яшайди ва ишлайди. Жамиятнинг энг қуйи бўғини оила.

Ота она фарзанди дунёга келмасданоқ унга чиройли исмлар қўйиши, туғилажак фарзанди соғ саломат бўлиб вояга етиши, етук инсон бўлиб камолини кўришни хоҳлайди. Фарзандлар оилада улғайган сари ота-оналар уларни оилада,хонадонда ва кўчада жамоат жойларида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини бошланғич билимларини ота лна тарбияси орқали ўргата бошлайди.

Фарзандни жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш, тозалик ва покликка ўргатиш (замона тили билан айтганда – санитария-гигиена), спорт ва

бадантарбия машқларига кўниктириш, мусобоқаларда рақибга хурмат кўзи билан қараш, тартиб ва қоидаога амал қилиш кабилар киреди.

Боласининг соғлом бўлишини орзу қилган ота-оналар гўдаклик давриданоқ улар билан кўпроқ очик ҳавода сайр қилишлари, ўсмирлик чоғидан сузиш, чавандозлик, кураш ўйинлари, мерганлик каби машғулотларга сафарбар қилишлари орқали мустақил хаётга қадам босишида муҳим аҳамият касб этади. Хар бир жабаха бўлгани каби эҳтиёт чораларига –хаёт фаолияти хавфсизлигига риоя қилмоғи кераклиги хақида бошланғич билимларини оладилар.

Тажриба натижалари ва таҳлиллари. Биринчи оилада фарзандларга ахлоқий тарбия бериш учун, энг аввало, ота-она фарзандига ахлоқ ва одоб бобида ўрнатилган кўрсатиши, одобдан мунтазам сабоқ бериб бориши керак бўлади. Чунки одоб охират неъматларига етказувчи асосий воситалардан ота она қариганида роҳат ва фароғатда яшаши учун замин ҳисобланади.

Шунингдек, тарбияда фарзандларни камситмаслик, уларни ҳар бир ишни юриш туришини доимо назорат қилиш, ўқишда, спортда ва жамоат ишларида эришган ютуқларини ширин сўзлар билан ёки моддий рағбатлантириш, фан ва спорт соҳасида юқори натижаларга эришган юртдошларимизни эришган натижаларини одобини ибрат қилиб келтириш, муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Оилада ва жамоат жойларида, ишхонада катталарнинг хамкасблари, оилада фарзандлари олдида ўзларини яхши, одобли тутишлари, сўкинмасликлари ва уришмасликлари жуда муҳимдир. Катта ёшдагиларни хати харакатида ўзлари одобсиз бўлиши, жамиятда хамкасблари олдида хурматга эришмаслигини оилада эса ўз фарзандларини одобли қиламан деб уринишлари асло самара бермаслини фарзандлар онгигига сингдирмоқ керак бўлади.

Оилада ота-онани бола тарбиясида асосий мақсади фарзандини иродаси кучли шахс қилиб камол топтиришдир. бунда болага ўз нафси билан курашиш, шахсий орзу ва эҳтиёжларини жиловлаш ёки зарур бўлса, улардан воз кеча олиш, ўз манфаатларини бошқалар ва жамият манфаатларидан устун қўймаслик кабилар ўргатилади.

Тарбияда, боланинг қайсарлик даври (тўрт ёшдан ўн олти ёшгача) олиб бориладиган ирода тарбиясида биров қаттиққўллик, чидам керак бўлади, аммо айни дамда у севги, меҳрибонлик, самимийликни ҳам ҳис этиб турши керак.

Хулоса. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги инсонларга таҳдид қилувчи хавф-хатар турлари ва одамнинг турли ҳаёт шароитларида улардан ҳимояланиш воситаларидан фойдаланишни ўрганади. Хавф-хатар ҳаётининг фаолият хавфсизлигининг марказий тушунчаси бўлиб, одам соғлиғига бевосита ёки бошқа йўллар билан зарар етказмайдиган, яъни кўнгилсиз ҳодисалар тушунилади. Хавфлар яширин ва ҳақиқий бўлади.

Яширин хавфлар амалга ошиши учун аниқ шартлар бўлиши лозим.

Бу шартлар сабаб деб аталади.

Оилада.ва таълим ташилотларида корхона ва ташкилотларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қуйидаги масалаларни кўриб чиқади:

1. Маиший муҳитдаги хавфсизлик.
2. Ишлаб чиқаришдаги хавфсизлик.
3. Шахар муҳитидаги хавфсизлик.
4. Атроф-табии муҳитдаги хавфсизлик.
5. Тинчлик ва уруш вақтида фавқулодда ҳолатлардаги хавфсизлик

бу юқоридаги бандларни ҳар бири алоҳида давлат мактабгача таълим ташкилотларида умумтаълим мактаблари, касб хунар таълим муассаларида ва олий таълим муассаларида мутахассислар тайёрланишида фан сифатида ўқитлиши ташилотларида корхоналарда мутазам равишда такомиллаштириб ўргатмоғилиги лозим..

АДАБИЁТЛАР:

1. Yormatov G.YO. va boshqalar. Nayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.
2. Ёрматов Ғ. Ё. ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. - Т.: 2005.